



## ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА ТЕЗ МОСЛАШИШ УЧУН ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ҲАМ ЎЗГАРИШИ КЕРАК

Президент Шавкат Мирзиёев 24 сентябрь куни касбий таълимни ривожлантириш ва миллий малака тизимини ислоҳ қилишга оид таклифлар тақдимоти билан танишди.

Бу ҳақда шу йил 5 февраль куни ижтимоий соҳалар бўйича бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида вазифа қўйилган эди. Утган вақт мобайнида тизимнинг самарадорлиги танқидий ўрганилиб, қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ҳозирги кунда профессионал таълим тизими уч турдаги муассасалар: 333 та касб-ҳунар мактаби, 227 та техникум ва 112 та коллеждан иборат. Улар табақалашгани ва дастурлари ўртасида узвийлик бўлмагани сабабли мавжуд қувватлардан унумли фойдаланилмаяпти.

Шу боис, мазкур 3 турдаги муассасалар негизда техникумлар тармоғини ривожлантириш таклиф этилмоқда. Унга кўра, 600 та техникум ташкил этилади. Мақбуллаштириш натижасида бўшайдиган 71 та муассаса биноси мактабларга айлантирилиб, 42 мингта янги ўқувчи ўрни яратилади.

Бундан ташқари, илгари коллежлар турли вазирилик ва идораларга қарашли эди. Энди бу тизимда бошқарув, ташкилий ва методик жиҳатдан ягона давлат сиёсати Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилик томонидан юритилади.

Замон талабларига тез мослашиш учун техникумларнинг академик мустақиллигини кенгайтириш мўлжалланмоқда. Ўқиш муддатлари ҳамда давомийлигини касб мураккаблиги ва ўқувчининг таълим даражасига қараб белгиланиши кўзда тутилмоқда.

Техникумларда таълим сифати ва жозибдорлигини ошириш мақсадида халқаро таълим дастурлари йўлга қўйилади. Дастлаб таълим тарихида 14 та техникумда Англиянинг "ВТЕС" дастури жорий этилади. Битирувчиларга 70 та давлатда тан олинмаган диплом берилади ҳамда 200 дан ортиқ хорижий университетларга кириш имкони яратилади. Натижага қараб,

бу таълим босқичма-босқич бошқа техникумларга ҳам таълим этилиши мумкин.

Қабул жараёнини иш берувчилар талаби асосида шакллантириш ҳам муҳим. Шу мақсадда электрон платформа яратилиб, унга барча вазирилик ва тармоқлар уланади. Техникумларнинг таълим дастурлари саноат тармоқлари, тадбиркорлар бирлашмалари, йирик иш берувчилар ва уюшмалар билан келишилганидан сўнг амалиётга киритилади.

Тақдимотда Миллий малака тизимини ислоҳ қилиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Сўнгги йилларда бу борада муайян ишлар қилинди. Лекин вазибалар ундан-да кўп. Мингдан зиёд ишчи касбларнинг стандартлари ишлаб чиқилмаган. Айрим касблар бўйича квалификациялар халқаро талабларга мос келмайди.

Шу боис, энди Касбий малака ва билимларни ривожлантириш республика кенгашига Бош вазир раислик қилади. Унинг таркибиде 24 та янги тармоқ кенгашлари тузилади.

Шунингдек, Таълим соҳасидаги лойиҳалар офиси ҳузурида Миллий малака тизимини ривожлантириш институти фаолияти йўлга қўйилади. Институт ривожланган давлатлар таълим асосида Миллий малака рамкасини янги таҳрирда қабул қилади. Лавозим ва касблар классификатори қайта кўриб чиқилади, 100 га яқин замонавий касблар киритилиб, ҳозир амалиётда бўлмаганлари чиқариб ташланади.

Давлатимиз раҳбари техникумларни жиҳозлар ва иш қуроллари билан таъминлаш, замон талабларига мос ишчи-мутахассислар тайёрлаш, бунинг учун амалиётга кенг ўрин бериш юзасидан ўз фикрларини билдирди.

ЎЗА

## МЕНИНГ ТАНЛОВИМ — ОБОД ВАТАНИМ!

27 ОКТАБРЬ — ОЛИЙ МАЖЛИС  
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ  
ВА МАҲАЛЛИЙ  
КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ  
САЙЛОВИ КУНИ



MENING TANLOVIM — OBOD VATANIM!

Мазкур мақола "Миллий тикланиш" демократик партиясига сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

3-бетга қаранг.

## Бугуннинг гапи

# ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ЭЛДА АЗИЗ ВА МУКАРРАМ ҚИЛАДИ

Ўзбекистондаги ислохотларда инсон қадрини, унинг манфаатлари эътибор марказида, халқимиз фаровонлиги ва муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш давлатимизнинг бош мақсадига айланган. Энг муҳими, ижтимоий-иқтисодий ўсиш ва ўзгаришлар ҳар бир юртувчимиз турмуш тарзида ифодасини топмоқда. Ислохотларнинг асл мақсади халқимизнинг оғирини енгил қилиш, муаммоларини вақтида ва самарали ҳал этиш, одамларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилашдан иборат.

Кейинги йилларда кўрилатган чора-тадбирлар натижасида халқимизнинг ижтимоий ҳаёти, турмуш тарзи яхшиланаётган бормоқда. Халқларар сиёсатининг илк самараси энг чекка ҳудудлар, хонадонлар, юртдошларимиз ҳаётида аксини топмоқда. Аммо бу жараёнларда жойларда йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар ҳам мавжудлиги сир эмас.

Камбағаллик Ўзбекистонда кўп йиллар ёпиқ мавзу бўлиб келди. Давлатимиз раҳбари 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлиста Мурожаатномасида бу ҳақда очик-ойдин гапирди ва тарихда биринчи марта камбағалликни қисқартиришни устувор вазифа сифатида белгиледи. Шундан буён камбағалликни қисқартириш бўйича тизимли ишлар қилинмоқда.

Бу борада илгор хорижий таълим ўрганилиб, камбағалликни қисқартиришга қаратилган миллий дастурлар ишлаб чиқилди. Масалан, "Ҳар бир оила — тадбиркор", "Ёшлар — келажакимиз" дастурлари ҳамда "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" каби маънавий дастурлар аҳолининг камбағал қатламни қўллаб-қувватлашда муҳим чоралар бўлди.

Жорий йил 11 сентябрь куни Президентимиз камбағалликни қисқартириш борасидаги ишларни

янги босқичга олиб чиқиш юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Унда берилган топшириқлар асосида энди мутасаддилар энг оғир маҳаллалардаги ноқор оилаларга бориб, ижтимоий-иқтисодий аҳолини ўрганиб, камбағалликдан чиқариш чораларини кўради. Давлатимиз раҳбари камбағалликка тушиш сабаблари ҳар хил экан, ечим ҳам алоҳида-алоҳида бўлиши кераклигини кўрсатиб ўтди.

Йиғилишда камбағалликни қисқартириш бўйича кейинги йиллар учун "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури тайёрланаётгани, унда еттига имконият ва масъулият тамойили асосида Ўзбекистоннинг навбатдаги янги ёндашувлари белгилаб берилиши маълум қилиниб, бундан буён камбағалликни қисқартириш умуммиллий ҳаракатга айланиши айтилганди. Бу борада мутасаддиларга ҳар бир маҳаллани тўлиқ хатловдан ўтказиб, улардаги "камбағал оилалар портрети"ни ишлаб чиқиш, камбағал оила бўйича индивидуал дастур яратиш, унда ҳар бир вазириликнинг вазифасини аниқ кўрсатиш каби вазифалар белгиланганди.

Давоми 4-бетда

## БОБОЛАРДАН МЕРОС БЕБАҶО САЛОҲИЯТ ЎЗИНИ ТАКРОР ВА ТАКРОР НАМОЁН ЭТАВЕРАДИ

Сўнгги йилларда Ўзбекистондан ёрқин шахмат юлдузлари, жаҳон чемпионлари етишиб чиқаётгани бежиз эмас. Юртдошларимизнинг дунё шахмат оламини қайта-қайта ларзага солаётганини ҳам тасодиф деб бўлмайти. Зотан, Хиндистон, Хитой каби давлатлар қаторида Ўзбекистон шахмат ватани деган шарафли номга бемалол даъвогарлик қила олади.



45<sup>th</sup> FIDE  
Chess Olympiad  
BUDAPEST  
2024



Аждодларимиз "ақл чархи" сифатида қараган бу ўйин заминимизда қадим-қадимдан кенг қўл оч ёган. Ҳарб илми ва шатранжда тенгсиз бўлган Соҳибқирон одатдаги шахматнинг қонун-қоидаларини ислоҳ қилиб, ҳатто мураккаб шахмат турини

яратган. Унга "Шатранжи комил" деб ном берган. Бугун XXI аср. Орадан кечган даврлар шахматга эътиборни сақлаб қола олди. Энди шахмат бутун дунёда ҳам интеллектуал, ҳам спорт ўйини сифатида қадрли. Юртимизда ёш иқтидорлар

сафини янада кенгайтириш, шахматни оммалаштириш, ўзбек шахматининг ёрқин келажакини таъминловчи истеъдодли спортчиларни тарбиялашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Давоми 2-бетда

## Инсон қадрини учун

# ОРОЛЬЎЙИ АҲОЛИСИ САЛОМАТЛИГИ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР  
САБАБ ТОБОРА ЯХШИЛАНИБ БОРЯПТИ

Кегейли туманидаги "Жузимбоғ" овул фуқаролар йиғинида яшовчи Гулнор Ешновцовага "Сурункали гломерулонефрит аралаш формаси. Буйрак етишмовчилиги режали гемодиализ" ташхиси қўйилган. У мазкур касаллик билан бир неча йил курашиб келди. Беморнинг донори — қизи Эленора Шаўдирбаева ўз хоҳиши билан бир буйрагини онасига берди.



Нукус шаҳридаги Республика кўп тармоқли тиббиёт марказида унга буйрак кўчириб ўтказилди. Операция маҳаллий мутахассислар ҳамда Тошкент шаҳридан келган жарроҳлар томонидан муваффа-

қиятли амалга оширилди. Барча харажатларни Давлат тиббий сугурта жамғармаси қоплади.

Давоми 5-бетда

## Нуқтаи назар

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ НАТИЖАЛАР ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА БАНДЛИҚДА КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА











